

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИ ВА УНДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Ташибаева Хулкарой Холмурод қизи

“Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ 1-босқич докторанти, қ.х.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси ер фонди ер турлари ва ер тоифалари ҳамда уларнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳақида сўз юритилган.

Аннотация. В данной статье рассказывается о типах и категориях земель земельного фонда Республики Узбекистан и их количественных показателях.

Калит сўз. Ер фонди, ер тури, ер тоифалари, ер ҳисоби, ер кадастри.

Ключевое слово. Земельный фонд, тип земель, категории земель, земельный учет, земельный кадастр.

Кириш

Республикамиз иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш ва уларни ер ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун шарт-шароитлар яратишда миллий ер ҳисоботи маълумотлари муҳим ўрин тутди.


“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида қайд этилганидек, “Иқтисодиётни янада ривожлантиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш.” каби масалаларни ҳал этишда ҳам ер ҳисоботи алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон

Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботни тайёрлашда Кадастр Агентлиги томонидан ҳисобот йилида корхона, муассаса, фермер хўжаликлари ва ташкилотларнинг ерларидаги барча ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳамда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган йиллик ер ҳисоботларини республика бўйича умумлаштириш натижасида, шунингдек, агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган ер тузиш, ер кадастри лойиҳа-қидирув ишлари маълумотларидан фойдаланилди.


Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг 2024 йил 1 январь ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан ҳисобот йилида корхона, муассаса, фермер хўжаликлари ва ташкилотларнинг ерларидаги барча ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳамда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган йиллик ер ҳисоботларини республика бўйича умумлаштириш натижасида тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2024 йил 1 январь ҳолатига жами ерлар 44 892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4 336,1 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,7 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига асосан 8 та тоифага бўлинади.

Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши 1,2-расмларда ҳамда ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган.



1-расм. 2023 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши



2-расм. 2023 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши

1-жадвал

Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича тақсимланиши
(минг га ҳисобида)

Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari

T/p	Er turлари	2018 йил 1 январь холатига	2019 йил 1 январь холатига	2020 йил 1 январь холатига	2021 йил 1 январь холатига	2022 йил 1 январь холатига	2023 йил 1 январь холатига	2023 й.01.01 2022 й.01.01 фарқи +/-
1	Қишлоқ хўжалик ер турлари	25614	25601	25639	25766	25 777,2	25 769,0	-8,2
	шу жумладан, суғориладигани	3734,2	3729,2	3732	3730,1	3 731,5	3 730,5	-1,0
	-экин ерлар	4026,4	4019,8	4033,5	4022,9	4 016,1	4 028,5	12,4
	Шу жумладан, суғориладигани	3271,7	3262,2	3259,9	3252,1	3 247,9	3 242,1	-5,8
	-кўп йиллик дарахтзорлар,	391,6	398	403,8	415,2	421,4	438,5	17,1
	шу жумладан, суғориладигани	371,7	376,3	380,5	386,5	390,0	394,8	4,8
	-бўз ерлар	80,8	80,7	83,7	83,6	86,6	86,6	
	шу жумладан, суғориладигани	47,8	47,7	48,7	48,6	51,6	51,6	
	-ичанзор ва яйловлар	21115,2	21102,5	21118	21244,3	21 253,1	21 215,4	-37,7
	шу жумладан, суғориладигани	43	43	42,9	42,9	42	42	
2	Томорка ерлар	696,6	697,4	726	732,3	738,9	741,1	2,2
	шу жумладан, суғориладигани	516,6	516,6	537,9	542,2	545,8	545,8	
3	Ўрмонзор ва бугазорлар	3595,4	3595,2	3588,9	3589,6	3 589,3	4 751,6	1 162,3
	шу жумладан, суғориладигани	54,4	54,4	52,9	53,2	53,1	53,6	0,5
4	Боғдорчилик- узум- чилик ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари	7,3	7,3	7,2	7,20	7,2	7,2	
	шу жумладан, суғориладигани	6,3	6,4	6,2	6,2	6,2	6,2	

5	Мелиоратив қурилиш ҳолати- даги ерлар	71,9	71,9	68,9	68,8	68,9	68,4	-0,5
	Бошқа ерлар	14907,2	14919,6	14862,4	14728,5	14710,9	13 555,1	-1 155,8
	Жами ерлар	44 892,4	44 892,4	44 892,4	44 892,4	44 892,4	44 892,4	
	шу жумладан, суғориладигани	4 311,5	4 306,6	4 329,0	4 331,7	4 336,6	4 336,1	-0,5

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра 8 та тоифага бўлинади ҳамда унинг таркибида асосий ер турлари қуйидагилардир:

1. Қишлоқ хўжалиги ерлари (экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар).
2. Томорқа ерлар.
3. Боғдорчилик-узумчилик уюшмалари ерлари.
4. Мелиоратив ҳолатини яхшилаш босқичидаги ерлар.
5. Ўрмонзорлар.
6. Бошқа ерлар.

Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича **2018 йилнинг 1 январидан 2023 йил 1 январигача** бўлган тақсимланиши 1-жадвалда кўрсатилган.

Хулоса. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот Республикамиз ер фондининг ҳолатини кузатиш, миқдор ва сифат даражасининг ўзгаришини ўз вақтида аниқлаш, давлат кадастрларини юритиш, ер тузиш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларнинг муҳофаза қилинишини ахборот билан таъминлаш учун муҳим ҳужжат сифатида фойдаланишга мўлжалланган

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-июндаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-273-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадаст агентлиги Давлат кадастрлар палатаси, 2022.

4. Turayev R.A., Tashbayeva H.Kh. Procedure, content and significance of land accounting in Uzbekistan // International Journal of Innovation in Engineering Research and Technology (IJERT). India. Volume 7, Issue 5. May 2020. -P. 238-241. SJIF 2022: 7.706.

5. Тураев Р.А., Ташбаева Ҳ.Х. Ерларни миқдорий ҳисобини юритишда ер ахборот тизими порталининг ўрни // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали “Agro ilm” илмий иловаси. – Тошкент:, 2020. - № 70. 114-115.б.

6. <http://www.ziyonet.uz>

7. <http://www.ygk.uz>